

MENTHA LONGIFOLIA (L). BA CAPSELLA BURSA - PASTORIS (L).

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЭТНОБОТАНИКАСИ

Эшонқулов Алижон Ҳайдарович

Бухоро давлат тиббиёт институти Биокимё кафедраси асистенти

Аннотация: Мақолада Бухоро вилоятида ёввойи ҳолда тарқалган доривор ўсимлик турларидан *Mentha longifolia* (L)-ялпиз ёки осиё ялпизи ва *Capsella bursa - pastoris* (L)-оддий жағ-жағ ёки ачамбити доривор ўсимликларининг дориворлик хусусиятлари ва айрим этноботаник маълумотлари ёритилган. Барча маълумотлар маҳаллий аҳоли розилиги билан сўраб олинган ва илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолатда қайта ишиланган. Юқорида келтирилган ўсимликларнинг ўрганилаётган ҳудудда ҳалқ табобатида фойдаланиши ҳолатлари ва маҳаллий аҳоли вакиллари томонидан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиши тартиблари келтирилди.

Калит сўзлар: Бухоро, этноботаника, оила, тур, туркум, флора, ҳалқ табобати, чўпон, табиб, дамлама.

MENTHA LONGIFOLIA (L). BA CAPSELLA BURSA - PASTORIS (L).

ЭТНОБОТАНИКА ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ.

Эшонқулов Алижон Ҳайдарович асистент

кафедры Биологической химии Бухарского государственного медицинского института.

Аннотация: В статье приводятся лекарственные свойства и некоторые этноботанические данные лекарственных растений *Mentha longifolia* (L) – мята и *Capsella bursa pastoris* (L). Пастушья сумка распространённых в Бухарской области в явном состоянии. Все данные были получены с согласия местного населения и переработаны с использованием научной литературы. Приведены случаи использования вышеупомянутых растений в народной медицине на исследуемой территории и порядок использования их в качестве пищевого продукта представителями местного населения.

Ключевые слова: Бухара, этноботаника, семейство, вид, род, флора, народная медицина, чабан, целитель, настойка.

MENTHA LONGIFOLIA (L). CAPSELLA BURSA - PASTORIS (L).

ETHNOBOTANY OF MEDICINAL PLANTS.

Eshonkulov Alijon Haydarovich

Bukhara State Medical Institute assistant at the Department of Biochemistry

Abstract: The article presents medicinal properties and some ethnobotanical data of medicinal plants *Mentha longifolia* (L.) and *Capsella bursa pastoris* (L). widespread in the Bukhara region in an obvious state. All data were obtained with the consent of the local population and processed using scientific literature. The cases of the use of the above-mentioned plants in folk medicine in the study area and the procedure for using them as a food product by representatives of the local population are given.

Keywords: *Bukhara*, ethnobotany, family, species, genus, flora, folk medicine, shepherd, healer, tincture.

Бухоро воҳаси Зарафшон дарёсининг қуи қисмида жойлашган бўлиб, Турон провинцияси, Бухоро округи, Қуи Зарафшон райони таркибида киради [3]. Воҳада ўсадиган ўсимликлар тўғрисидаги маълумотлар бир қатор таниқли ботаник олимлар томонидан ўрганилганлигини жуда кўп адабиётларда учратиш мумкин. Дастлабки тадқиқотлар 1820 йилда табиатшунослар Э Эверсман ва Х. Пандера томонидан олиб борилган. Ундан сўнг 1841-1842 йилларда А. Леманн Бухорода учрайдиган 85 тур ўсимликлар тўғрисида маълумот беради. Бухоро воҳаси флораси тўғрисидаги тўлиқ ва батафсил маълумотларни 2017 йилда Ҳ. Қ. Эсанов (Эсанов 2016; Эсанов, Шарипова 2020; Эсанов, Кечайкин 2016; Эсанов, Усмонов 2018; Қобилов ва бошқ., 2020; Рахимова ва бошқ.,) ишларида кўриш мумкин [4]. Бухоро вилоятида тарқалган доривор ўсимликларнинг деярли 50% га яқини маҳаллий аҳоли томонидан халқ табобатида, озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Ушбу ўсимликлардан бизга қўши давлатлар халқ табобатида ва ошхонасида ишлатилади.

Бухоро вилояти худудида ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларнинг халқ табобатида ва маҳаллий ошхонада ишлатиладиган турларини, ушбу ўсимликларнинг ботаник ва фармацевтик хусусиятларини илмий ва этноботаник нуқтаи назардан ислоҳ қилиш давр талаби ҳисобланади. Тадқиқот натижалари асосида маҳаллий аҳоли ва халқ табобати билан шуғулланадиган табиблар, чўпонлар ва ёши улуғ инсонлар ўртасида ўтказилган оғзаки сўров натижалари бўйича маълумотлар (“Этноботаник анкета”) тўпланди [5, 6]. Шунингдек илмий маълумотлардан ҳам фойдаланилди. Ушбу маълумотлар асосида қуида Бухоро вилоятидаги этноботаник ва экологик аҳамиятга эга, айrim ёввойи ҳолда тарқалган доривор ўсимликларнинг тавсифи келтирилди.

Ялпиз, осиё ялпизи *Mentha longifolia* (L.) - ялпиздошлар (Lamiaceae) оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, бўйи 30-115 см гача етади, июн-августда гуллайди, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида нам ерларда, ариқ ва дарё бўйларида ўсади [2]. Инсонлар ялпиздан неча минг йиллардан бўён фойдаланганлар, қадимги юононлар ва яхудийлар ундан дил қулфини очадиган хушбўй атиrlар тайёрлашган. Ялпиз *Mentha longifolia* (L.)дан меъда-ичак, сийдик йўли хасталиклари, йўтал ва бош оғригини даволашда, ҳамда ҳашаротлар ва илон чаққандо, уларнинг заҳрига қарши восита сифатида фойдаланишган. Римликлар эса, асал аралашган ялпиз мусалласи ичилгандан сўнг нафас йўлинни тозалашини кашф этишган. Ўсимлик таркибидаги эфир мойлари, айниқса, камфора ва ментол мойи аъзоларни совук урганда, бирор жой

тилингандан газак олиб йиринглашдан сақловчи яхши антисептик ҳисобланади. Буюк ҳаким, бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино “Ялпиз мөйдани қувватлантиради, уни қиздиради, овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради, шиллиқ модда ва қон қусишини тўхтатади, сариқ хасталиги муолажасида нафи кўп” деб ёзган ва ялпиз билан ичдан қон кетишини даволаганлар [1]. Маҳаллий аҳоли вакиллари ялпизни ўз ошхоналарида суюқ таомларга, хушбўй таъми сабабли салқин ичимликларга қўшиб истеъмол қиласидилар. Ўрик, олма, олхўри ва бошқа меваларнинг қуритилгандан кейин узоқ вақт сақлаш мақсадида ёки ҳашаротлар зарап етказмаслиги учун маҳаллий аҳоли қуритилган мевалар солинган идишга ялпизнинг қуритилган поясидан солиб қўшиб қўйишади[6]. Бундан ташқари Бухорода ялпиздан тинчлантирувчи ва тетиклаштирувчи сифатида чой дамлаб ичилади.

Оддий жағ-жағ, ачамбити *Capsella bursa - pastoris* (L). - карамдошлар (Brassicaceae) оиласига мансуб бўлиб, бўйи 20-30 баъзан 60 см гача етадиган бир йиллик, асал ширали, доривор ўт ўсимлик. Инсонлар жағ-жағдан жуда қадимги даврлардан бошлаб озиқ-овқат ва дориворлик хусусиятларидан кенг фойдаланганлар. Қадимги Рим ва Грек табиблари унинг уруғларидан, ўрта асрларда эса Европа табиблари қонни тўхтатувчи восита сифатида ишлатганлар. Қадимда Ҳиндистон ва Японияда ўсимликнинг баргларидан бульонлар тайёрланган ва гўштли таомларга қўшилган, қуритилган баргларини эса балиқ махсулотлари билан қўшиб пиширишган. Кавказда қиши тугаб баҳор келиши билан жағ-жағнинг ёш барра барглари йигилиб, исмалоқ билан бирга қўшиб салатлар тайёрлаб истеъмол қилишган. Францияда ўсимлик барглари аччиқ салатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади, бундан ташқари ўсимликнинг майдалangan уруғларидан хантал ўрнида фойдаланиш мумкин. Ушбу ўсимлик Бухоро вилоятида кенг тарқалган бўлиб, маҳаллий аҳоли эрта баҳордан ҳар хил кўк сомсалар ва кўк чучваралар тайёрлаб истеъмол қилиб қиласидилар. Сабаби ушбу ўсимлик организмда иммунитетни оширишга ва ички қон кетишини, сийдик йўллари ва жигар касалликларини олдини олади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Бухорода турларининг ботаник ва фармакологик хусусиятларини, уларнинг халқ табобатида фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш. Маҳаллий аҳоли томонидан доривор ўсимликлардан озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган турлари ҳақидаги этноботаник маълумотларни йиғиш ва уларни келгуси авлодга қолдириш бугунги қуннинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Айни пайтда вилоятда 200 дан ортиқ ёввойи ҳолда тарқалган доривор ўсимлик ўсади. Бугунги давр талабидан келиб чиқиб, доривор ўсимликларнинг халқ табобатида синовдан ўтган қўлланиш усуулларини анъанавий тибиётда кўчириш ва қўллаш мақсадга мувофик бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари I жилд Ташкент, 1994. б.183-289.

2. Каримов В.А., Шомахмудов А.Ш. Халқ табобати ва илми тибда қўлланиладиган шифобаҳаш ўсимликлар. - Тошкент, 1993.-320 б.
3. Тожибаев К. Ш ва бошқ., 2016
4. Эсанов Ҳ.Қ. Бухоро воҳаси флораси. Монография. - Бухоро. Дурдона нашриёти. 2019. -158 б.
5. Эшонқулов А.Ҳ, Ҳожиматов О. К., Роль этноботанике в Бухарской регионе. Международный научный журнал «Школа науки» №3 (28). Москва. www.shkolanauki.ru.
6. Haydarovich, E. A., & Kurbanovich, E. H. (2022). Ethnobotanics of Certain Medicinal Plants of Bukhara Region (Uzbekistan). American Journal of Plant Sciences, 13(3), 394-402.